


Ўзбекистон ва БМТ: ҲАМКОРЛИКНИНГ 12 ЙИЛЛИГИ



Мазкур нуфузли халқаро ташкилот ярим асрдан кўпроқ вақт муқаддам инсоният қаршида турган кўплаб муаммоларга ечим топишда жаҳон мамлакатлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида ташкил этилган. БМТ ҳамда унинг тизимига кирувчи кўплаб бўлинмалар уруш ва можароларнинг олдини олиш, атроф-муҳитни химоя қилиш, касалликларга қарши курашиш ва камбағаллик даражасини камайтириш йўлида самарали ишлар олиб бормоқда.

1992 йил 2 март куни мустақил Ўзбекистоннинг миллий байроғи БМТ бош қароғида тантанали равишда кўтарилди. Уша кундан бошлаб мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятнинг тенгхуқуқли аъзосига айланди ва бугунги кунда 191 давлатни бирлаштириб турган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятининг фаол иштирокчисидир.

Ўзбекистон Республикаси бугунги куннинг турли долзарб масалалари, жумладан, халқаро террорчилик, нарқобизнес ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳамда минтақавий хавфсизлик борасида БМТ билан яқин ҳамкорлик олиб бораётганлиги туфайли халқаро доирада катта нуфузга эришди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов БМТнинг юксак минбаридан туриб жаҳон

ҳамжамияти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланган бир қатор ташаббусларни илгари сурди. Улар орасида Марказий Осиёни ядро қуролдан холи ҳудуд, деб эълон қилиш таклифи, Афғонистондаги можарога ечим топиш йўлида "6+2" гуруҳини тузиш, террорчиликка қарши кураш халқаро марказини ташкил этиш бўйича ташаббусларни алоҳида қайд этиш мумкин. Ўзбе-

(Давоми 2-бетда).

Мақсадимиз — фуқаролик жамияти

ёки «Фуқаролик жамияти. Ривожланишнинг ўзбек модели» номли янги плакатлар туркуми ҳақида

Фуқаролик жамияти ижтимоий тараққиётнинг энг юксак самараси ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг сиёсий таълимотида мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш, унинг асосий ташаббуслари ва бу улуғ мақсадга қараб ҳаракатланиши миздаги ўзига хос ва ўзимизга мос йўлнинг мазмун-моҳияти тўла акс этган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорликда нашр этган «Фуқаролик жамияти. Ривожланишнинг ўзбек модели» деб номланган плакатлар туркумида юқоридаги масалалар ўз ифодасини топган. Ушбу туркум белгиланган мазмунли турли қирраларини очиб берувчи 10 та йирик ҳажмли, рангли плакатларни ўз ичига олади.

Биз мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қурмоқ-

чи эканмиз, энг аввало, бу қандай жамият эканлигини ҳар биримиз аниқ-равшан идрок этмоғимиз зарур. Шу маънода «Фуқаролик жамияти. Ривожланишнинг ўзбек модели» плакатлар туркуми, биринчи навбатда, ана шундай ижтимоий-маънавий эҳтиёжга жавоб бериши билан диққатга сазовордир. Плакатларда баён этилганидек, фуқаролик жамияти — қонун устуворлигига қатъий асосланган, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-хуқуқлари ва инсоний кадр-қиммати юксак қадриятга айланган, ҳаётнинг барча соҳаларида эркинлик ва демократия тантана қилган жамиятдир. Бундай мазмун ҳар бир плакатда батақдор тасвирий бир тилда ҳамда акл-идроққа тез этиб бориб, муҳрланиб қоладиган илҳом, лўнда матнларда ифода этилган.

Оқорида айтилганидай, Ўзбекистон фуқаролик жамиятига ўзига хос йўл билан бормоқда. Бу шунда қўринадими, биз ислохот-

ларни собитқадамлик билан, боқимча-боқимча амалга ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш таъминлашга қатъий амал қилган ҳолда янги жамиятни шакллантиряймиз. Халқимизнинг бундай ўзига хос йўли халқаро миқёсда «Ривожланишнинг ўзбек модели» деб ном олди. Плакатларда бу таъминлаш алоҳида таъкидлаб кўрсатилган.

Плакатларнинг рамзий, маънодор тилига тан бермасдан илҳомингиз йўқ. «Фуқаролик жамияти — ижтимоий макон» деган биринчи плакатда энди унинг чиқаётган майсаларни парвариш-лаётган қизалоқ тасвири берилган. Бу сурат, янги жамиятни янги авлод араб-авайлаб ривожлантириши зарур, деган муҳим маънони эстетик жиҳатдан таъсирчан ифодалаган. Бошқа плакатларда ҳам кўпгина худди шундай чўқур мазмунли ва қизиқарли рамзий

(Давоми 2-бетда).



«Зилолатекс»нинг истиқболу баланд

Сўнгги пайтларда «Зилолатекс» тамгаси билан ишлаб чиқарилаётган трикотаж буюмлари, кийим-кечаклар нафақат Жиззах бозорларида, балки мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидаги савдо шаҳобчаларида ҳам тез-тез кўзга ташланиб қолди. Сифати ва дизайни билан дибли харидорни ўзига жалб этадиган ушбу маҳсулотлар харидордир, пештахталарда туриб қолмайди. Шу боис ҳам қорхона буюртмачилари кўп.

Шу кунларда «Зилолатекс» ҳиссадорлик жамиятининг тикувчи ва тўқувчилари йигирма беш минг жуфт жемфер тикиб бериш учун буюртма олган. Икки юз киши меҳнат қилаётган ушбу жамиятнинг диққат-этибори буюртмачилар ишончини оқлаш, маҳсулотни ўз вақтида етказиб беришга қаратилган.

СУРАТДА: назоратчи-технолог Ақиди Соатова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ

Францияда жамғарма Ваколатхонаси

Ибн Сино халқаро жамғармаси буюк бобоқалони мисолини ўрганиш ва тарғиб қилишда хорижий давлатларнинг мутахассис-олимлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Кўни кеча Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонасида жамғар-

маннинг Франциядаги ваколатхонаси — «Aviscena Association — France» иш бошлади. Шу муносабат билан ўтказилган қабул маросиминда турли мамлакатлар элчихоналари вакиллари, фан ва маданият арбоблари, тиббиёт ходимлари иштирок этдилар. Тадбирда

М. ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимида Идоралараро Комиссия йиғилиши

Тошкент. (ЎЗА мухбири В.НИКОЛАЕВ). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни таъминлаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари А.Орипов бошқарди.

Йиғилишда радиочастота спектрлари ва радиоэлектрон воситалардан оқилноа фойдаланишни назорат қилиш борасидаги ишлар яқунлари тингланди. Тақдим этилган ҳисобот радиоэлектрон воситаларни кўпайтириш йўналиши сақланиб қолаётганидан дарак беради. 1998 йилда радиоэлектрон воситалар сони 73 мингтага ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу рақам 361 мингтага кўпайди. Йиғилишда Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги ўрта-ида республикамизга четдан радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали мосламаларни келтириш, уларни сотиш ва фойдаланишда қонунбузарликларни аниқлаш бўйича ўтказилган тадбирлар натижалари тўғрисида тезкор ахборот алоқаси зарурлиги таъкидланди.

Комиссия телевидение, радиозастиртириш ва маълумотлар узатиш, шу жумладан Интернет маълумотларини узатиш бўйича хизматлар кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектлардан рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш учун келиб тушган аризаларни муҳокама этди. Бунда 11 субъект рўйхатга олинди ва 32 таси қайта рўйхатдан ўтказилди. Шу билан бирга, қонунчилик ва идоравий мезъорий ҳужжатларни бузганлиги учун телекурсагувалар соҳасидаги иккита лицензияси бор субъект фаолияти тўхтатилди ва иккита лицензия қайтариб олинди.

Комиссиянинг фаолияти давомида 1998 йилнинг июлидан бошлаб бу борадаги ишларни тартибга солиш ва теле-радиоэштиртириш ҳамда Интернет хизматларини кўрсатиш субъектларига ёрдам бериш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Республика ахборот бозорига уларга ҳар томонлама ёрдам берилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда 74 та теле-радиоэштиртириш тузилмаси, 99 та Интернет провайдер ва 214 та Интернет-кафе фаолият кўрсатмоқда.

Жойлардан хабарлар

«Заковат» Қовчинда

Ўзбекистон-Германия ҳукуматлараро техник-иқтисодий ҳамкорлик дастури доирасида иш олиб бораётган «Заковат» тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ахборот жамғармаси вакиллари Қарши туманидаги Қовчин қишлоқ фуқаролар йиғинига компьютер, факс ва шу ҳудуддаги 3 та мактабга китоблар, магнитофон совға қилдилар.

Лойиханинг халқаро координатори Вольфганг Шрайдернинг айтишича, бу «Маҳаллий тадбиркорлар иштирокида қишлоқ маҳаллалари инфратузилмасини яхшилаш ва ёшлар учун иш жойлари яратиш» дастурига асосан амалга оширилган.

Лойихада кўзда тутилган мақсадлар Германиядаги GTS халқаро ташкилоти ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида амалга оширилди.

Н. РАВШАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўсмирларимиз ҳам чакки эмас

Бокс мусобақаларида катта ёшдаги чарм қўлқоп усталаримизнинг қўлга киритган ютуқлари барчага маълум. Улар ортидан етишиб чиқаётган ёш боксчилар ҳам акаларининг муваффақиятларини давом эттиришмоқда. Ҳафта Россиянинг Волгоград

шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги халқаро турнирда 6 нафар вақилимизнинг тўрттаси совриндорлар сафидан жой олди. Ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиониликка эришган Илхом Раҳимовга (51 кг.) Волгоград рингида тенг келадиган рақиб топилмади. У мусобақанинг олтин медали билан тақдирланди. 69 килограмм вазн тоифасидаги боксчимиз Элшод Ра-сулов эса финалда мағлубиятга учради. Шароф Айтбоев (58 кг.) ва Аббос Атоев (75 кг.)лар учинчи ўрин билан қифояланишди.

Ўз мухбиримиз.

Кунига ўн минг дон

Олотдаги «Мавлоно» хусусий фирмасида кунига ўн минг дондан зиёд салқин ичимликлар ишлаб чиқаришмоқда. Қорхонага Швейцария технологияси ўрнатилганлиги бундай муваффақиятга эришишлари имкон яратди.

Қадоқланаётган сув Жандор туманидан келтириляётган бўлса, идишлар Тошкентдаги «Пластик» фирмасидан, аралашмалар эса Германиянинг «Астар» фирмасидан олинмоқда.

Келгусида вилоятнинг бошқа туманларида ҳам мазкур қорхонанинг филиалларини ташкил этиш кўзда тутилган.

«Туркистон-пресс».

Истеъмолчи доимо ҳақми?

— Ариза ва шикоятлар юзасидан жойларда текшириш ўтказилганда қўнича истеъмолчиларнинг ҳақ эканлиги дуч келамиз, — дейди Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Норкул Ҳамидов.

— Очиги, мамлакатимизда ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, истеъмолчилар манфаатини химоя қилиш бўйича зарур мезъорий ҳужжатлар бўлишига қарамай, баъзи қорхоналар, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиши ҳоллари ҳамон учраб турибди.

Масалан, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ижроси юзасидан 129 та ҳўжалик субъектида ўтказилган текширишларнинг 99 тасида қонун талаблари бузилгани аниқланди. Ишлаб чиқарувчи ва савдо, хизмат кўрсатиш шохобчаларида товарлар тўғрисидаги маълумотнинг мавҳуд эмаслигига эса деярли ҳар бир жойда дуч келаямиз.

Тошу тарозиларни стандарт қўриғидан ўтказмаслик, хизмат кўрсатиш қойдаларига амал қилмаслик, касса ёки товар чекини бермаслик ҳоллари ҳам кам эмас. Айрим савдо ходимларининг истеъмолга яроқлилик муда-дати ўтиб кетган маҳсулотларни бемалол сотувга қўйи-ши эса асло кеңириб бўлмас ҳолдир.

Утган йил мобайнида қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 106 та ҳўжалик субъектига маълумотлар юборилди. Уларнинг 97 тасига чора қўрилди. Аммо Пайарик туманидаги «Камолот» хусусий фирмаси раҳбарлари бундай эътирозларга бефарқ муносабатда бўлишди. Оқибатда хусусий фирмага энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорда жарима солинди.

Маълумки, Қонуннинг 11-моддасида истеъмолга яроқлилик мудади ўтган ёки ишлаб чиқарилган вақти кўрсатилган маҳсулотлар олиб қўйилиши аниқ кўрсатилган. Аммо текширилган Самарқанд шаҳридаги «Субхидам» масулия-ти чекланган жамияти ва Нуробод туманидаги «Жануб» савдо ишлаб чиқариш қорхонаси мутасаддилари бу талабларни билмаслигини

кўрсатди. Шу боис ҳар икки савдо қорхонасига энг кам иш ҳақининг 500 баравари, яъни 4535000 сўмдан жарима солинди.

Ҳудудий бошқарма фаолиятида учраётган бундай қонунбузарликлар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо мақсад фақат қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаб, жари-ма ундиришда эмас, балки уларнинг олдини олишда.

— Бу борада тарғибот ишларини кучайтиряймиз, — дейди бошқарма бош-лиғи. — Хусусан, оммавий ахборот воситаларини де-монстраштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси вило-ли бўлими, халқ таълими бошқармаси ва яна бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ишляямиз. Журналистлар ҳамда ум-у-таълим мактаблари ўртаси-да «Билимли истеъмолчи доимо ҳақ» мавзюида со-врилли қўриқ-танлов ўтказ-дик. Бундай тадбирларни доимий ташкил этиш орқа-ли истеъмолчилар ҳуқуқла-рини химоя қилишни кучай-тириш бизнинг биринчи гал-ги вазифамиз бўлиб қола-верди.

Абдурауф САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ядровий дастурдан Воз кечиладимиз?

Утган ҳафта охирида Шимолий Кореянинг ядровий дастури билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш учун олти давлат — Жанубий ва Шимолий Корея, Хитой, АКШ, Япония ҳамда Россия вакиллари Пекинда яна йиғилишди. Музокараларнинг дастлабки босқичидаёқ расмий Пхеньян АКШ тарафи Шимолий Кореяга душманона сиёсатини ўзгартирса, ядровий дастурдан воз кечишга тайёр эканлигини билдирди.

Шимолий Корея ядровий дастур буйича олиб бораётган тадқиқотларини музлатиб қўядими ёки ундан бутунлай воз кечадими? Бу ҳаммани қизиқтираётган савол.


Муҳокамада иштирок этган Хитой вакили Пхеньян билан хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликни сақлаган ҳолда, мамлакатнинг ядро дастурига бутунлай барҳам бериш ушбу йиғилишнинг асосий мақсади эканлигини таъкидлади.

Мабодо, Шимолий Корея мазкур таклифни қабул қилса, Россия ҳамда Хитой томони ўз қўшилари энергия билан таъминлашга ваъда бермоқда. Шимолий Кореянинг Пекиндаги элчисининг қайд этишича, АКШ тутаётган йўл музокараларни боши берк кўчага олиб бориши мумкин.

Хўш, АКШ ва Шимолий Корея бир-биридан нимани талаб қилапти?

Расмий Пхеньян радиоактив қуруллар яратиш буйича ўтказётган тадқиқотларини музлатиб қўйиши ҳисобига товон пули сўрапти. АКШ томони Пхеньяндан умуман оммавий қирғин қурулла-

ри яратиш дастуридан воз кечиши талаб қилапти. Япония эса Шимолий Кореяда тутқунликда



сақланаётган ўз фуқаролари учун қайғурмоқда. Агар Япония Шимолий Кореяни Оқ уй билан олиб бораётган музокараларида қўллаб-қувватла-

шини қафолатласа, расмий Пхеньян мазкур масалага ойдинлик киритилишини маълум қилди. Нима бўлганда ҳам, Шимолий Корея АКШ ва унинг иттифоқчиларидан бир нарса — ядровий дастурдан воз кечиш эвазига катта миқдорда иқтисодий ёрдам беришни талаб қилмоқда. Оқ уй вакиллари бу талабни бажармоқчи эмас.

Ёпиқ эшиклар ортида ўтказилган икки томонлама учрашувдан сўнг америкаликлар Пхеньянга улар даъво қилаётган товон пулини тўламаслик-

лари айтиди. Шундан сўнг Шимолий Корея Ташқи ишлар вазирлиги вакили Пхеньянга таклиф қилинаётган режа товон тўлангандан сўнг амалга ошириши мумкинлигига урғу берди. Сеуллик дипломатлар музокараларнинг бундай тус олишига эътироз билдиришмоқда. Уларнинг сўзларига қараганда, аввалига томонлар ўртасида бир-бирларини тушуниш хисси пайдо бўлаётгандек эди. Бу нарса янги режа, яъни Шимолий Кореяга энергия тақчиллиги муаммосини ҳал қилишда ёрдам беришда кўзга ташланди. Бироқ бунда Вашингтон ва Токио қатнашадими

ёки йўқми? Жанубий корейликларни шу нарса кўпроқ қизиқтиради. Хуллас, бу галги музокараларда ҳам тугал бир қарорга келинмаган бўлса-да, америкалик делегация вакилларида бири йиғилишда маълум бир муваффақиятга эришилди, дея ўз фикрини билдирди.

Шимолий корейликларнинг оммавий қирғин қуролига эга бўлишга интилиши барчани бирдек ташвишга солмоқда. Америкаликларнинг тахмин қилишларича, Пхеньян аллақачон олти ядровий қуролни ишлаб чиқаришга улгурган. Агар бу гаплар рост бўлса, вазият издан чиқиши, бутун минтақа хавфсизлигига таҳдид кучайиши ҳам ҳеч гап эмас.

Юнус БҲУРОНОВ.

Суд қарори

Гаага халқаро суди Исроилга "Хавфсизлик девори" қурилишини бир ҳафтага кечиктириш лозимлигини маълум қилди. Сабаби ўтган ҳафтада шу ҳудудда кучли тўқнашув юз берди, икки фаластинлик ҳалок бўлди. Утган шанба кuni кечқурун Исроил ҳарбийлари фаластинликлар кетаётган машинага ҳужум қилди. Натижада кўплаб бегуноҳ одамлар жабр кўришди.



НАТО

Кенгаймоқда

Словакия Ташқи ишлар вазирлиги шу йил 2 апрелдан эътиборан НАТОга яна етти давлат аъзо бўлиб киришини маълум қилди. Словакия, Эстония, Словения, Латвия, Литва, Руминия ва Болгария давлатларининг НАТОга аъзо бўлиб кириш маросими июнь ойида Истамбулда бўлиб ўтиши тахмин қилинмоқда.

Террорчиликнинг олди олинди

Испанияда ЭТА айирмачилик гуруҳининг икки вакили Мадрид шаҳридан 450 километр узоқликда портлатгич модда ортилган машинада кетаётган чоғида полиция томонидан қўлга олинди. Испания полициясининг маълум қилишича, машинада 500 килограммга яқин портлатгич модда бўлган. Ҳукумат вакилининг тахмин қилишича, мамлакатда икки ҳафтадан кейин ўтказилиши мўлжалланаётган сайловда ЭТА айирмачилари террорчилик уюштиришни режалаштирган бўлиши мумкин.



ЭТА айирмачилари охириги ўттиз беш йил давомида 800 дан ортиқ одамнинг ўлимига сабабчи бўлишди.

Маълумотни рад этди

Покистон ҳукумати АКШлик ҳарбийлар томонидан "Ал-Қоида" ташкилоти етакчиси Усама бин-Ладинни излаб топиш мақсадида мамлакатда ўтказилаётган амалиётларга расмий Исломобод рухсат берган, деган хабарни рад этди. Бу ҳақда Покистон Мудофаа вазирлиги матбуот котиби генерал-майор Шавкат Султон маълум қилди.

Бир миллиард доллар ажратилади

Яқинда Абу-Дабида бўлиб ўтган халқаро донор давлатлари конференциясида Ироқни қайта тиклаш жараёнига 1 миллиард АКШ доллари миқдоридан маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Анжуманда БМТ, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасидан ташқари 40 та давлатдан вакиллар иштирок этишди. Утган йили Ироқ иқтисодиётини тиклаш учун 33 миллиард АКШ доллари ажратишга келишиб олинган.


Кўчани сув босди

Москва марказида яшанба кuni шаҳарни совуқ сув билан таъминловчи асосий қувурлардан бирининг ёрилиб кетиши оқибатида Серпуховский вал кўчасини ярим метрлик сув қоплади. Гувоҳларнинг айтишича, бу кўчада ўзига хос кўл пайдо бўлган. Ҳозирда 150 дан ортиқ бино совуқ сув таъминотисиз қолди. Шулардан 146 тасида аҳоли яшайди.



ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар



Гаитида рўй бераётган воқеалар бутун жаҳон ҳамжамиятининг диққатини тортмоқда. Утган ойда мазкур мамлакатда президент Жан Бертран Аристидга муҳолифатдаги кучлар бош кўтариб, бирин-кетин йирик шаҳар ва қишлоқларни ўз назорати остига олди. Айни пайтда улар мамлакат ҳудудининг қарийб ярмини эгаллаб, пойтахт Порт-о-Пренс шаҳридан 40 километр узоқликда турибди. Хабарларга кўра, яшанба кuni мамлакат пойтахтида тартибсизликлар кучайиши натижасида комендантлик соати жарий қилинди. Мамлакат президенти эса оролни тарк этди.

Гаитида тартибсизликлар кучаймоқда

Сўнги хабарларга кўра, Гаити президенти Жан Бертран Аристид Марказий Африка республикаси пойтахти — Банги шаҳрига етиб келган. У бир неча кундан кейин Жанубий Африка республикасига кетмоқчи-

вар кучларни сафарбар этишга рухсат берувчи резолюцияни қабул қилди. Мазкур тезкор кучлар оролда уч ой мобайнида фаолият юритади. Бу вақт ичида БМТ томонидан махсус тинчликпарвар кучлар тайёрланиши ва юборилиши зарур.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан шу муносабат билан сўзга чиқиб, жаҳон ҳамжамияти Гаитини унутиб қўймаганини таъкидлади. "Биз уларнинг ҳолатини тушунамиз ва бундай оғир пайтда ёрдам беришга тайёрмиз", деди у.

Би-Би-Си агентлигининг маълумотига қараганда, ҳозир америкалик ҳарбийлардан иборат денгиз пйедаларининг кичик гуруҳи мамлакатга етиб келган. Яқин орада Франция ва Канада қурулми кучлари аскарларининг келиши кутилмоқда.

Салим ДОНИЕРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ган барча номинация — "Энг яхши фильм", "Энг яхши режиссура" ҳамда

ижро этган Шон Пеннга топширишди. Уша фильмда иккинчи планда

«Оскар» мукофоти Ғолибларга топширилди

Лос-Анжелесда Америка киноакадемиясининг энг нуфузли мукофоти "Оскар"ни топшириш маросими бўлди. Ҳар сафаргидек, дабдабали ва ранг-баранг ўтган бу тадбирда кино оламида катта шов-шувга сабаб бўлган Янги Зеландиялик кинорежиссёр Питер Жексоннинг "Узуклар ҳукмдори. Қиролнинг қайтиши" фильми 11 та "Оскар" совринини қўлга киритди. Фильм номзоди кўрсатил-

рассом иши, костюм, махсус ёритиш, грим, овоз, мусика, монтаж, кўшиқ ва сценарий буйича ғолиб деб топилди.

Киноакадемия тарихида мазкур мукофотни 11 номинация буйича фақат "Бен Гур", "Шамолларда қолган хисларим" ва "Титаник" фильмларигина қўлга киритган, холос.

Америкалик киноакадемиклар "Энг яхши актёр" совринини "Сирли дарё" фильмида бош ролни


ўйнаган Тим Роббинс ҳам мукофотсиз қолмади. "Энг яхши аёл актёр"лик "Монстр" фильмидаги бош роль ижроси Шарлиз Теронга насиб этди.

"Энг яхши хорижий фильм"га аталган соврин канадалик киночилар суратга олган "Жоҳиллар ҳужуми"га берилди.

"Немони излаб" мультфильми "Энг яхши анимацион фильм" сифатида эътироф этилди.

Янги даволаш усули

Гарвард тиббиёт мактаби олимлари кўзнинг қуриш қобилиятини қайта тиклашнинг янги йўлини топди. Уларнинг таъкидлашича, кўздаги нерв тоаларини ўстириш орқали бунга эришиш мумкин. Тиббиёт оламида бу кашфиёт катта воқеа дея баҳоланмоқда. Тиббиёт нашрларидан бирида айтилишича, мутахассислар кўздаги асаб ҳужайраларини тиклаш механизминини топган. Бу эса кўзнинг қуриш қобилиятини тиклашда муҳим омил ҳисобланади.



лигини маълум қилди. Гаитидаги воқеаларнинг бундай ривож дунё мамлакатлари етакчиларини ҳам ташвишга солмоқда. Хусусан, ўтган ҳафтада АКШ президенти Жорж Буш ҳудудда тартиб ўрнатиш учун халқаро тинчликпарвар кучлар юборилиши зарурлигини таъкидлади.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳам шу муносабат билан фавқулодда йиғилиш ўтказиб, Гаитида тартиб ўрнатиш ва барқарорликни таъминлаш учун халқаро тинчликпар-

Пулларни қўриқламай, уйда қандай сақлаш мумкин?

Пулларни уйда хотиржам сақлаш учун уларни American Express чекларига конвертациялаш кифоя.

Сизнинг имзоингиз қўйилган чекдан фақат ўзингиз фойдаланишингиз мумкин. Йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйсангиз, сизнинг чекларингиз эмитент томонидан тикланиши (одатда 24 соат мобайнида) мумкин.

American Express — халқаро молия корпорациясидир. У 150 йилдан ортиқ вақтдан буён мавжуд бўлиб, ҳар бир чекни ва ҳар йили муомалада бўладиган 300 миллион чекни таъминлайди.

Одамлар узоқ вақт мобайнида пулларини уйда ёки саёҳат пайтида сақлаш учун American Express йўл чекларидан фойдаланадилар.

American Express чекларида пулларни сақлаш қулай. Улар бутун дунёдаги миллионлаб молия ва кредит муассасаларида қабул қилинади.

Ўзбекистондан ташқарида йўл чекларини олиб чиқиб кетиш чекланмаган.

Турли номиналдаги American Express йўл чекларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг энг яқиндаги бўлимидан харид қилиш мумкин.

Диққат! Америка экспрессининг янги чеклари воситачилик ҳақсиз сотилмоқда.



American Express чеклари — ўзингизнинг нақд пулларингиздир. www.amex.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Кўшимча маълумотлар учун «Ўзмиллийбанк»нинг исталган бўлим/филиалига мурожаат қилинг. Мулоқот учун телефонлар: 135-40-60, 134-12-09. www.nbu.com Тиклаш хизмати телефони: (095) 956-08-29.

Katris ФИРМАСИ

МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН

МЕБЕЛЬ

ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА ТАЙЁРЛАЙДИ.

90-07-87
92-03-95
158-15-73

Мебель олсан «Katris»дан, розат қилсан дундан.

ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ОБОЗРЕНИЕ ЖУРНАЛИ

ИМКОНИАТ БЕРУВЧИ АХБОРОТ ВА БИЛИМ!

- ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЯТИДАГИ ТАМОЙИЛ ВА МУАММОЛАР
- БИЗНОСЛАР ВА КОРПОРАЦИЯЛАР ҲАҚИДА ИШОНЧЛИ АХБОРОТ
- ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ МАСАЛАЛАРИ
- ЖАҲОН ИҚТИСОДИЯТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЖУРНАЛ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЪДИЯ ДИВОНЛАРИ ВА СУПЕРМАРКЕТЛАРИДА СОТИЛМОҚДА

ОБУНА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

WWW.REVIEW.UZ • ОБУНА ИНДЕКСЛАРИ — 957, 956 • SALES@CER.UZ

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили



— Кап-катта йигит бўлиб қолди-ку, бир оз тикка турса, ҳеч нарса қилмасди...

этишга интилади. Бирок... Меҳрнинг ўзи нима? Наҳотки, у шунчалар тугамас нарсаки, уни бетиним сарфлайвериш мумкин бўлса?

ва Ватан тақдири учун масъулият ҳиссини туйишга ожизлик қилади... Аммо меҳр-мурувват шунчалар бир қароши куч эканки, унинг қилишида ҳатто ҳар нарсага қодир буюк муъжизакор табиат ҳам ожиз қолар экан.

лик Имомжон ака. — Мана, 3-4 йилдан бери ок лайлақлар Ўзбекистонда қишлоқларга... Эшитишимча, Андижондаги баъзи ҳўжалиқлар қишда лайлақларни боқиб қолган эмиш. Овқат қил, меҳр сепро жойда қиш совуғи писандми? Ана энди «Лайлак келди, ёз бўлди», деган шеърларни ўзгартириверасиз...

Эзгуликнинг умри узун

Автовбусага 8-9 ёшлардаги набираси билан бир онахон қичди. Ёшроқ бир киши дарҳол ўрнидан туриб, унга жой бўшатди. Аммо кампир ўзига бўшатилган жойга набирасини ўтказди-да:

нинг бошини силаб кўйди. — «Мевасидан марзи ширин», деб шуни айтидилар-да. Майли, ҳозир дам олиб, кўчга тўлаверсин, ҳали унинг олдида шундай ишлар турибдики...

болакай ҳам бир умр бувиси, ота-онасининг меҳридан қониб улғайса-ю, олган меҳри эвазига оқибат билан жавоб бериши билмасда, унда худбин бўлиб қолади-ку?

Маълумки, шу вақтгача «қиш» деганда биз шудгорланган далаларни, қишлоқ ва шаҳарлар устида қариллаб учиб юрадиган қаргаларни кўз олдимизга келтирар эдик. 2003 йили декабрь ойида Андижонга кетаётиб, тўсатдан қор босган пахтазор узра оппоқ қўш учиб юрганни кўриб қолдим. Тикилиброк қараб, шўппайиб турган гўзалоярлар орасида виқор билан сайр қилиб юрган... оппоқ лайлақларни кўрдим.

Шеър-ку, майли ўз йўлига, лекин кундалик рўзгор таъшишларидан ортиб, яна табиат ҳақида қайғуришга, ўзлари билан ёнма-ён яшаётган жонотларга меҳр-мурувват қўрсатишга имкон топа олган ҳамюртларимиздан хурсанд бўлдим. Узим танимаган меҳр-оқибатли инсонларга раҳмат айтгим келди. Биз экология бузилаётгани, табиатнинг табиий мувозанати издан чиқиб қолганидан хавотирланамиз, лекин буларни бартараф қилиш учун ҳар биримиз ўзаро оқибатли бўлсак, фақатгина ўз манфаатимизни қўзламай, яқинларимиз ва бизга ҳаёт берган қурраи заминдан меҳр-мурувватимизни аямасак, бу эзгу куч олдида ҳар қандай муаммо ҳам чекинади. Инсонлар оқибатлилик ва фаровонлик рамизи сифатида ардоқлайдиган оқ лайлақларнинг Ўзбекистонда қишлоқ қолаётганлари ҳам бу жаннатмакон заминдан меҳр-мурувват қанчалар қўлиги нишонаси бўлса, ажабмас.

Узи эса тикка тураркан, оғир нафас олар, бўш жой излагандек, атрофга аланглаб кўярди. Давангирдек келадиган, башарасидан «чарчагани» сирам сезилмаётган «тойчоқ» эса бамайлихотир ўтирар, автобус ойнасидан ташқарини томоша қилиб кетарди. У гўё ёнида бувиси тик турганини ҳам унутиб қўйгандек эди.

Онахон «бебаҳо дури гавҳар» — Жавоҳирнинг яши фазилатларини анча мактадилар, унинг аъло ўқишини, қарагача қатнашиши ақинда «чемпион» бўлиши ҳам қолмади. Салкам 70 ёшларни қоралаб қолган бувисини тикка тургазиб қўйиб, ўзи ўрнида бамайлихотир ўтирган бўлғуси «чемпион»га қараб ҳам энсам қотди, ҳам ҳаҳлим қичди.

Меҳр-мурувват уруғи қадалган юракларга ёвузлик яқин йўламайди. Ешлигидега қатнашиши ақинда «чемпион» бўлиши ҳам қолмади. Меҳр-шафқат кўрмай, бир калима ширин сўз ва эътиборга зор бўлганлар эса одамгарчиликдан ҳали бадкирдор, худбин бўлиб қоладилар. Бундай инсон ўзини жамиятда ортиқча ҳис қилади, табиийки, ўзи бебаҳра қолган нарсани атрофидогиларга беролмайди, жамият

Табиийки, бу манзарани узоқроқ кузатиб тура олмадим, онахон томон сурдилдим.

Албатта, ҳар ким фарзандини кўз қорачиғидай авайлашга, уни ҳаёт чиғриқларидан асрашга, бор меҳр-мурувватини нурийдасига бахшида

— Бу муъжизани қаранглар! — хитоб қилдим бекитиб. — Ё тавба, бу лайлақлар-ку?! Қишнинг ўртасида. Қор босган далада сайр қилишадими? — Бунинг нимасига ажабланасиз? — деди ҳайдовчимиз — андижон-

Муҳаббат Йўлдошева.

Сўнги маълумотларга кўра, мамлакатимизда ҳозирги кунда 60 мингдан ортиқ йигит ва қиз спортнинг қарагача тури билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Бу рақамнинг нечоғли тўғрилиғига 27-29 февраль кунлари «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуида бўлиб ўтган болалар ва ўсмирлар ўрта-сидига 4-Ўзбекистон чемпионатида ишонч ҳосил қилдик.



Каратэ: Чемпионлар аниқланди

Умуман, кейинги йилларда спортнинг ушбу тури тобора оммалашиб бормоқда. Табиийки, бундай оммалашиб янги-янги истеъдодларни кашф қилмоқда. Бунинг натижасини эса Осиё ва жаҳон чемпионатларида кўраймиз.

кунги беллашувларда қизлар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Айнисика, яқинда қарагача буйича Истамбулда бўлиб ўтган халқаро турнирда бош мукфотни кўлга киритган Луция Бойбулатованинг қишқилари томошабинлар томонидан олқишлар билан қутиб олинди. У ҳар бир «жанг»да қарагача энг қийин усулларидан фойдаланиб, барча тенгқурларидан устун келди.

этомладиқ, — дейди «Чирчик» жамоасининг мураббийи Эргаш Рахимов. — Лекин бундан ҳафа эмасман. Асосийни, чемпионатнинг савияси, аввалгиларидан анча ошганлиғидир.

Уч кун давом этган чемпионатда 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган 1200 дан ортиқ йигит ва қиз чемпионлик учун баҳс олиб борди. Мусобақанинг биринчи кун энг ёш иштирокчиларнинг татамидоги нозик ҳаракатлари-ю, чемпионлик учун дадил курашлари билан эсда қоладиган бўлди. Иккинчи

Чемпионатнинг сўнги кунги ҳар доимгидек қизгин кечди. — Бу йилги бахсларда медаллар жамғаришда аввалги натижани қайд

Дилмурод ПАРПИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири. Нўрможон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Қилмиш — қидирмиш Кўздан пана қасса

Мирзохид ақанинг Келес шаҳри, Галаба кўчасида жойлашган катта оқиборхонаси бор эди. Цемент, алебастр сингари қурилиш материаллари сотари. Омадини бериб, базори юришга бошлади. Шайтонга ҳай берилмаса, оқиб қалаётган пуллар эгасини ҳам қўшиб оқизини тайин эди.

Тошкент тумани прокуратураси ҳузурдаги солиқ ва виллоятга оид жиҳотларга қарши қураш бўлимининг тезкор гурӯҳи ҳодимлари оқиборхонага тўсатдан кириб борганларида, М.Исхоқов додираб қолди. Бугунги савдо юзасидан берилган савдоларга у айқаш-уйқаш жавоб берди. Қандай қилиб шундай нозик вазиятда ўзини бемалол тутарди, ахир?

Мирзохид шайтонга ҳай бериш тугул, унинг маслаҳати билан юрадиган бўлди: «Шунча пулни бамайлихотир қассага тушириверсанми? Яхшики, сен яна битта қассани ишга соли. Лекин уни экинчор солиқлар назарига туширма! Давлатга зарига қассадан томиб турса ҳам бўлади... Қани, бошла!»

Шу тобда кекалар кўп тақорролайдиган ҳақиқат ёдга тушади: ҳар бир одам топаётган даромадининг жавоби ўз елкасида туради. Қинғир йўллар билан топилаётган даромад бариниб фўш бўлади. Ошқор бўлмаган тақдирда ҳам эгаси ва унинг хонадонини турли мусибат-ғавғоларга гирифтोर қилиши мўқаррар. Қўпчиликнинг ризқига кўз тикишдан оғир гуноҳ йўқ. Хусусий тадбиркорлардан йиғилётган солиқ ва нақд пул тушумларни ҳис аслида қўпчиликнинг ризқ-насибасидир.

У «дўсти»нинг ҳамма қўрсатмаларига амал қилиб, бир зумда «нафс қасса»сини ишга солди. Солиқ ишга солиб рўйхатидан ўтмаган бу қасса аппаратининг чеки фақат постлардаги милиция ҳодимларига қўрсатиш учун асқотариб, холос. Шундан билан бошланган иш, оқибатидан қисқа фурсатда 87 миллион сўм микдоридоги пуллар қўпчиликнинг қўлига тушди. Мирзохид ака осмонларда уча бошлади. «Бунча гўза-ал бу ҳаёт, бир қара!» деб сайрарди унинг айвонга осилган тўтиси. Аммо у гўзал ҳаёт ҳаловатларидан баҳра олиб улгурмади. Шайтон ҳўқрон жойда ҳаловат омонат экан.

Мамлакат НОРМУРДООВА, «Халқ сўзи» муҳбири.

Advertisement for Setco Telecommunication System, featuring SETEX ST-D4440 and video observation equipment.

Advertisement for ESENYA, offering services for children's sports and leisure activities.

Advertisement for ESENYA, featuring a catalog of services and contact information.

Advertisement for HALQ BANKI, a commercial bank offering various financial services.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, highlighting its role as a national word.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ', providing contact details for the newspaper.

Advertisement for 'Шарк' newspaper, mentioning its circulation and contact information.

Advertisement for 'МАНЗИЛИМИЗ', providing address and contact information for the newspaper's office.